**Ўзбекистон — умумий уйимиз**

***Мен халқ ва ҳукумат номидан ҳуқуқий демократик мамлакатни барпо қилиш йўлида ички бунёдкорлик вазифаларини рўёбга чиқаришнинг асосий кафолати бўлмиш фуқаролараро ва миллатлараро иноқликни, фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини сақлаб қоламиз ва ҳар томонлама мустаҳкамлаймиз, деб айтаман ва бунга қатъий кафолат бераман.***

**Ислом КАРИМОВ.**

# Бир осмон остида

Бу сўзлар дунёнинг нуфузли ташкилоти — Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши минбаридан айтилганига 12 йил бўлди.

Мамлакат раҳбари ушбу сўзлари устидан шараф билан чиққанини тарихий ҳақиқат кўрсатиб турибди. Халқаро миқёсда умуминсоний қадриятлар соҳасида қабул қилинган ҳужжатларга, Асосий қонун — Конституцияга ҳамда фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб қабул қилинган барча қонунларга оғишмай амал қилиниши натижасида мамлакатимиз иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча йўналишларида салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Автомобиль ишлаб чиқаришдан тортиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта тайёрлашга қадар, қуёш энергиясидан фойдаланишдан тортиб Буюк Ипак йўлини тиклашгача бўлган соҳаларда мақтовга арзигулик натижаларни қўлга киритдик. Буларнинг барчасига юртимизда фуқаролар ҳамда миллатлараро тинчлик ва ҳамжиҳатлик барқарорлиги туфайли эришилди.

Ўзбекистон — азалий кўп миллатли ўлка. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, цивилизациялар, маданиятлар ва эътиқодлар уйғунлашган юрт. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, ўрта асрлардаёқ Бухоронинг машҳур Тоқи саррофонида 35 мамлакат пул бирликлари айирбош қилинган.

Инсонпарвар халқимизнинг азалий қадриятлари қаторида диний ва инсоний бағрикенглик алоҳида ўринни эгаллайди. Кўплаб нуфузли ташкилотлар динлар мулоқоти ва бағрикенгликка бағишланган халқаро анжуманларни ўтказиш учун Ўзбекистонни танлашлари тасодифий эмас. "Жамиятдаги динлараро ва миллатлараро тотувликни барқарорлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрни", "Миллатлараро ҳамжиҳатлик — барқарорлик омили" халқаро илмий-амалий конференциялари, "Дин ва демократия" халқаро динлараро сиёсий форум, ЮНЕСКОнинг "Жаҳон динлари — тинчлик маданияти йўлида" халқаро конференцияси ва "Бағрикенглик ва меҳр-мурувват — жамият тараққиёти омили" деб аталган халқаро илмий-амалий анжуман дунё миқёсидаги энг сара тадбирлар сирасига киради.

Уларни уюштиришда диний ва илмий муассасалар билан бир қаторда ЮНЕСКО, Конрад Аденауэр, Эберт жамғармалари (Германия), Марказий Осиёни тадқиқ қилиш институти (Франция), АҚШнинг қатор илмий муассасалари, америкалик, европалик, россиялик ва япониялик етакчи мутахассислар ҳам иштирок этдилар.

Кўп миллатли жамиятларда диний бағрикенгликни асраб-авайлаш, унга оғишмай риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, инсоният тарихида "диний урушлар" деб ном олган тўқнашувлар даврларини ҳам бошидан кечирди. Ҳеч бир дин мутлақлик мақомига эга бўлиши мумкин эмаслиги, бундай даъво пировардида қон тўкилиши тарихда бир неча бор исботланган. Бу кўнгилсизликлар олдини олишнинг ягона шарти динни сиёсатдан ажратиш ҳамда диний бағрикенгликни таъминлашдир.

Аслида мамлакатимизда ҳар икки тамойил амалдалиги учун осойишталик таъминланмоқда. Диннинг сиёсатдан ажратилганлиги, фуқароларнинг диний эътиқод эркинликлари масалалари Конституциямиз ва қонунларимиз томонидан кафолатлаб қўйилган.

Айни кунда мамлакатимизда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Мусулмонлари қозияти, Тошкент ислом университети, 10 та мадраса, 1942 та масжид, Рус Православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси, Православ семинарияси, Рим-католик черковлари, маркази, Евангель христиан-баптистлар черкови маркази тўлиқ инжил христианлар черковлари маркази, Протестант семинарияси, Ўзбекистон Библия китоб жамияти, 164 та христиан черкови, 7 та яҳудий, 6 та баҳоий жамоаси, 2 та Кришнани англаш жамияти ва 1 та буддистлар ибодатхонаси (жами 2142 та диний ташкилот) фаолият юритмоқда. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ уларнинг барчаси қонун олдида тенгдирлар.

Айнан мустақиллик йилларида илгари харобазорга айланаёзган кўплаб диний обидалар, қадамжолар ва масжидлар бинолари мусулмонларга қайтариб берилди, қайта тикланди ва қурилди. Мамлакат Президенти ташаббуси, халқимиз шижоати ила Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Занги ота, Ғиждувоний каби улуғ алломаларимизнинг ёдгорлик мажмуалари тикланди. Минглаб масжидлар намозхонларга эшик очди. Миллий авиакомпаниямизнинг пўлат қушлари фуқароларимизни Ҳаж сафарига элтиб қўя бошлади. Муқаддас Қуръон китоби ва Саҳиҳи Бухорий она тилимизга таржима бўлди, муборак ҳайит кунлари халқ байрамлари сифатида нишонлана бошланди, Аллоҳнинг асосий буйруқларидан бири — мурувват улашиш юртнинг бош шиорига айланди.

Кўп миллатли ва кўп динли жамиятимиз аъзоларининг диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўнлаб черковлар, ибодатхоналар, эҳромлар фаолият юрита бошлади. Уларга ибодат адабиётини чоп этишлари ва буюмларини ишлаб чиқаришлари, ўз динларининг қадамжоларига зиёрат уюштиришлари учун барча шароитлар яратиб берилди.

Дин — инсон маънавияти устунларидан бири. Унинг фуқароларни энг эзгу ишларга йўналтиришга қодир шифобахш таъсири барчага аён. Жамики самовий динлар: яҳудий, насроний, буддавийлик, жумладан, фуқароларимизнинг кўпчилиги эътиқод қиладиган муқаддас ислом динимиз, тинчлик, яхшилик ва эзгулик динидир. Аллоҳнинг каломи — Қуръондаги ва ҳадиси шарифлардаги *"Поклик иймондандир. Ватанни севмоқ иймондандур, Жаннат оналар оёғи остидадур. Раҳбарларга итоат қилиш иймондандир. Бешикдан қабргача илм излаш ҳар бир мўмин учун фарздир, Ота-онага, яқин кишиларга, етимларга, мусофирларга ва эҳтиёжмандларга мурувват иймондандир. Қўли эгриликнинг, ўғриликнинг, ёлғон гувоҳликнинг, тўҳматнинг, тарозидан уришнинг, исрофгарчиликнинг жазоси оғирдир"* сингари тавсия ва даъватлар, шубҳасиз, ҳар бир мусулмон қандай фазилатларга эга бўлишига очиқойдин ишорадир. Уларни қалбига жо қилган халқимиз барча миллат ва элат вакиллари билан бир осмон остида, ягона мақсад йўлида яшамоқда ҳамда меҳнат қилмоқда.

Мамлакатдаги миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ҳамжиҳатлик муҳити, яқин ва узоқ қўшниларимиз ҳамда ҳамкорларимиз томонидан эътироф этилмоқда, ўрганилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонга ташриф буюрган Хиллари Клинтон хоним, АҚШ собиқ котиби Мадлен Олбрайт, АҚШ конгресси ва сенати аъзолари, Франция сенаторлари, Европа Тараққиёт ва қайта қуриш банки раҳбарлари Ўзбекистонда барча диний жамоалар учун тенг шароитлар яратиб берилганини эътироф этдилар. Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай, Эрон Ислом Республикаси президенти Муҳаммад Ҳотамий, Қувайт давлати Адлия вазирининг ўринбосари Одил Фаллоҳ, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги муваққат ишлар вакили Зоҳир ал-Энозий ва бошқа мусулмон давлатлари вакиллари мамлакатимизда муқаддас ислом динига эҳтиром ва эътибор олий даражада эканлиги, ўзбек халқининг улкан диний-маънавий мероси асраб-авайланаётгани ва ўрганилаётганини тан олдилар.

Афсуски, жафокаш куррамизнинг гоҳ у ер, гоҳ бу ерида диний шиорлар ниқоби остида бегуноҳ кишилар қони тўкилаётгани, вайронагарчиликлар ва кулфатларга сабаб бўлинаётгани ҳали ҳам қайд этилмоқда. Мустақил Ўзбекистон тажрибаси эса ҳар бир фуқаро ва диндорнинг тенглиги таъминланган, ҳуқуқлари эътироф этилган мамлакатдагина тинчлик, осойишталик ва тотувлик ҳукм суражагини тасдиқлаб турибди.

Тараққиёт ва ютуқларимиз гарови — тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлашга ҳар биримиз баҳоли қудрат улуш қўшишимизни насиб айласин.

**Ш. МИНОВАРОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси.**

## «Биотехнология ва сабзавотчилик»

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Биотехнология ва сабзавотчилик" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда биотехнология ва ирсий муҳандисликнинг янги навлар яратишдаги аҳамияти хусусида сўз борди. Шунингдек, анжуман иштирокчилари ўзбек-голланд ҳамкорлиги меваси — "Рейтз ван" фирмасининг фаолияти билан ҳам танишдилар. Ўзбекистон ва Голландия ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу фирма асосан иссиқхона хўжаликлари учун энг сара уруғлар етказиб беришни ўз зиммасига олган.

**С. НАЗАРХЎЖАЕВА,**
**"Туркистон-пресс"**

## Кўкламга пешвоз

Андижондаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида ободонлаштириш ишларига хизмат қилувчи жиҳозларнинг ўндан зиёд турини тайёрлаш ўзлаштирилди. Ўтган йили бу ерда 800 миллион сўмлик қурилиш жиҳозлари ишлаб чиқарилган бўлса, бунинг асосий қисмини ободончилик дастурига кирувчи маҳсулотлар ташкил этди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ФАН ВА ТЕХНИКА
## янгиликлари

### Зоолог олимлар изланишда

Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология илмий-тадқиқот институтида сўнгги вақтларда истиқболли йўналишларда самарали изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, яқинда ҳайвонот оламининг биохилмахиллигини муҳофаза қилиш ва барқарор фойдаланиш тамойилларини ишлаб чиқиш ишлари якунланди. Унга кўра, республика фаунасидаги ноёб ва йўқолиб бораётган турлар бўйича маълумотлар захирасини яратиш, уларнинг йўқолиб кетиш хавфини пасайтириш юзасидан янгича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.



Айни пайтда, илмий-тадқиқот ишлари натижалари қишлоқ, ўрмон, овчилик хўжаликлари, тиббиёт, халқ таълими, табиатни муҳофаза қилиш соҳаларида юқори самара билан қўлланилмоқда.

### Лойиҳа ва амалиёт

Яқинда Самарқанд шаҳрида "Марказий Осиёда табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш" дастури бўйича таништирув сафари ва "Донорлик ташкилотларининг лойиҳасига мустақил ҳамжамиятларни жалб этиш" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Мазкур дастур Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ Агентлиги (USAID) ҳамда "Ҳамжамиятлар мустақиллигини ривожлантириш гуруҳи" бўйича Халқаро Банк институти лойиҳаси томонидан молиялаштирилган. Тадбирда Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги 22 та ташкилот, жойлардаги ҳокимият ҳамда оммавий ахборот вакиллари иштирок этди.

Иштирокчилар икки кун давомида Зарафшон дарёси ҳавзасининг ирригация тизимини яхшилаш бўйича NRMP лойиҳаси фаолияти билан танишиб, уни амалга ошириш натижалари хусусида фикр алмашдилар. Айни пайтда сув иншоотларини реконструкциялаш ва суғориш тизимини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишиш имконига эга бўлишди. Бу нарса мазкур лойиҳанинг аҳамиятини чуқурроқ англаш, сув тақсимотини мониторинг қилиш имконини беради.

Давра суҳбатида Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вакиллари иштирок этишди.

### Карбид — ҳашорат кушандаси

Мухбиримиз Набижон СОБИР хабар қилишича, Фарғона туманидаги изланувчан кимёгар Аҳмаджон Кабиров карбид қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, ғўза кўчатларини турли зарарли ҳашоратлардан ҳимоя қилиш воситаси бўла олишини амалда исботлади. Бу ихтиро охирги мавсумда тумандаги бир қатор хўжаликларда амалиётда муваффақият билан қўлланди.

Дастлабки ҳисоб-китоблар мазкур қоришма бошқа кимёвий воситаларга нисбатан 8-10 баробар арзонга тушишини кўрсатмоқда. Энг муҳими, у экологик жиҳатдан зарарсиз.

### Робот-вертолёт

Мўъжизалар ва ихтиролар макони Японияининг Seiko EPSON компанияси Токиода бўлиб ўтган навбатдаги Халқаро кўргазмада дунёдаги энг кичик ва енгил робот-вертолётни намойиш этди.



Тўрт ғилдиракли бу роботнинг оғирлиги атиги 10 грамм, бўйи эса 7 сантиметр келади. У шунчаки рекорд орқасидан қувиб ихтиро этилган эмас. Махсус камера ўрнатилган робот-вертолёт зилзила, сув тошқини, ёнғин каби турли фалокат рўй берган жойларда бутун тафсилотни аниқлаш ва тегишли чоралар кўришда энг яхши восита, деб баҳоланмоқда. Масофадан туриб бошқариладиган мазкур қурилмани ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун енгил энергия манбаи топилса, бас.

### Афсонавий «Конкорд» ортда қолди

Жаҳон авиасозлигида янги шов-шувли воқеа рўй бериши арафасида. Гап шундаки, "EADS" Европа авиакосмик компанияси япониялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда товушдан тез учадиган янги сериядаги авиалайнерни яратишни лойиҳалаштирди.



У афсонавий "Конкорд" самолётидан икки баравар тез учади, нисбатан шовқинсиз. Бир пайтда 300 нафар йўловчини ташиш имкониятига эга бўлган янги авиалайнер тўхтамай 11000 километрга уча олади. Амалий мисолда айтадиган бўлсак, у Париждан Токиогача икки соатда етиб боради.

**«Халқ сўзи» мухбири Рустам ЁРЛАҚАБОВ тайёрлади.**

# Бағдоддан — хорижга

*«Бағдоддон» ҳамда Бағдод пахтани қайта ишлаш корхонаси бир-бирига туташ, девор дармиён. Юк ортган вагонлар икковига битта темир йўл изидан кириб келади. Ва айнан шу йўл орқали мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар олис юртларга — уммон орти мамлакатларига йўл олади.*

Бағдод пахтани қайта ишлаш корхонаси шу йилнинг дастлабки чорагида Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг Қўқон шаҳридаги терминали орқали 2500 тонна толани хорижга экспорт қилиш учун буюртма олган. Корхона тизимдаги энг ёш жамоалардан ҳисобланади. Дастгоҳларнинг асосий қисми хориждан келтирилган. Шу сабабли ҳам, «Бағдод» тамғаси босилган тойларга буюртма ҳаддан зиёд.

Корхонада янги йилнинг дастлабки ҳафталари мобайнида 700 тоннадан зиёд тола тайёрланди. Буюртмачиларнинг талабини муддатидан аввал қондириш мақсадида таёрланган толанинг дастлабки тойлари терминал орқали Швейцария, Бельгия, Хитой, Сингапур мамлакатларидаги тўқимачилар ихтиёрига жўнатилди.

— Илгарилари ишлаб чиқариш бригадалари ўртасида қанча кўп маҳсулот тайёрлаш юзасидан мусобақалар ўтказилар эди, — дейди корхона раҳбари Содиқжон Самадов. — Энди эса бригадаларимиз ўзаро сифатлироқ тола тайёрлаш борасида баҳслашмоқда. Мусобақанинг янгича усули фақат моддий рағбатга даъват этибгина қолмай, корхонанинг халқаро миқёсдаги обрўсини белгилайдиган омиллардан бири ҳам бўлиб қолмоқда. Ҳозир Набижон Сотволдиев, Баҳодир Қосимовлар етакчилик қилаётган жамоалар томонидан ишлаб чиқарилаётган толаларни Ватанимиз сарҳадларидан олисларда ҳам яхши билишади. Чунки ҳар бир тойда уларнинг шахсий муҳри бор.

Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ, «Бағдоддон» корхонаси фақат омбор учун ишлаяпти. Бу мазкур корхонада тайёрланаётган маҳсулотга харидор йўқлигидан эмас, балки янги йил арафасида корхона Афғонистон ва Тожикистон мамлакатларидан йирик миқдорда буюртма олди.

Ҳозиргача хорижликларга юбориш учун 500 тоннадан зиёд олий ва биринчи навли ун ва ун маҳсулотлари ҳозирлаб қўйилди. Бугун-эрта ун ортган вагонлар қўшни Тожикистон ва афғон юртига йўл олади.

Энди «Бағдоддон»ни дунёнинг кўп жойида билишади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Майсалар баравж ўсмоқда

*Термиз туманидаги «Янгиариқ» ширкат хўжалигида 300 гектар майдонда кузги ғалла парвариш қилинмоқда. Бир текис униб чиққан майсаларни озиқлантириш, суғориш, ўғитлаш ишлари оби-тобида бажарилаяпти. Шу боис ниҳоллар баравж ўсаяпти.*

**СУРАТДА: илғор пудратчи Зиёдулла Ҳайдаров.**

**Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## «Бобуршоҳ ёхуд Самарқанд хаёли»

Тошкент давлат санъат институти мусиқали драма факультети битирувчилари Хуршид Даврон қаламига мансуб «Бобуршоҳ ёхуд Самарқанд хаёли» номли асарини диплом иши сифатида саҳналаштирди.

Бу асар асосан Бобурнинг ички кечинмаларини, Ватандан узоқда, мусофирчиликда бошидан кечирган ҳаёти ва фаолиятини қамраб олган.

**И. ЭГАМҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс».**

**Божхона бекати**

*Республикамиз ички истеъмол бозорини сифатсиз товарлардан ҳимоялаш, товар моддий бойликларни қонунга зид равишда ҳудудимизга олиб кириш ва олиб чиқишнинг олдини олиш борасида Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.*

# Юзнинг қораси кетмас

Иқтисодий диверсия атамаси кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларида кўп бор таъкидланмоқда. Бу - контрабанда йўли билан олиб келинаётган сифатсиз маҳсулотлар оқимини англатади. Қонунга зид равишдаги хатти-ҳаракатлар нафақат уни содир этаётганларнинг ўзлари, балки аҳоли соғлиғи учун ҳам зарар келтираётгани бор гап. Мўмай даромад йўлида виждонсизлик қилиб, истеъмолга яроқсиз дори-дармон ёки озиқ-овқат маҳсулотини юртимизга олиб кираётганлар наҳот калта фаҳмлайдилар.

Эҳтимол, ҳали фарзанд қадри, унинг соғ-омонлиги ота-она учун энг буюк бахт эканини ҳис қила олмаган балоғат ёшидаги ўсмир-ёшларнинг қинғир ишларини, аниқроғи, сифати текширилмаган дори-дармонларни яширин йўллар билан халқимизга сотишга уринаётганини, «Уларнинг кўзига ҳозир фақат пул кўринади-да», дея баҳолашимиз мумкиндир. Аммо ўзи она бўлатуриб, кишилар саломатлигидан кўра кўпроқ пул топиш илинжида ҳеч иккиланмасдан дори-дармон контрабандаси билан шуғулланаётганлар ишини қандай изоҳлаш мумкин. Кўра-била туриб нопок ишга қўл ураверишга ўрганиб қолган кишилар хатти-ҳаракатлари бизни чуқур ўйга толдиради.

Наманган вилояти божхонаси ходимлари томонидан Поп туманидаги «Ашт-Поп» божхона назорати ўрнатилмаган дала йўлида Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Мансур Мамажонов 45 турдаги — 400.000 сўмлик, Содиқжон Мўминов 300.000 сўмлик, Баҳодир Мадраҳимов 24 хил турдаги 108.000 сўмлик дори-дармон воситаларини божхона кўригидан ўтказмасдан, ҳеч қандай ҳужжатларсиз Тожикистон Республикасидан олиб келишаётганда тўхтатиб қолинган. Ўрта маълумотга эга бўлган, ҳали уйланмаган бу йигитчаларнинг муқаддам судланмагани, ҳозирда ҳеч қаерда ишламаётгани аниқланди. Уларнинг қилмишлари юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Самарқандлик Андрей Терлов эса бошқа товарлар билан биргаликда қарийиб олти ярим миллион сўмлик декларацияланмаган дори-дармон воситаларини олиб келаётганда божхона ходимлари томонидан тўхтатилган.

Андижон вилояти Тепақўрғон божхона пости назоратчилари томонидан хоразмлик Бахтиёр Худойберганов бошқарувидаги «КамАЗ» русумли 22 А6617 давлат белгили автоулов тўхтатиб текширилганда, унда хоразмлик Тожигул Абдуллаева ҳамда андижонлик Абдулла Тўрахўжаев, Одинахон Мирзараҳимоваларга тегишли ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган, Хитойда ишлаб чиқарилган 15.000.000 сўмлик халқ истеъмол товарлари борлиги аниқланган.

Давлат божхона қўмитаси суриштирув ишлари бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, республика ҳудудига товар моддий бойликларни ноқонуний олиб кириш ҳамда ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган чет эл товарларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш бўйича жами 18370 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган. Умумий қиймати 7 млрд. 269 млн. сўмлик товар моддий бойликлари ашёвий далил сифатида қўлга олинган.

Биз шу ўринда орамизда ғайриқонуний иш тутувчи ғаламислар борлигини таассуф-ла эслатган ҳолда, фуқароларимизни ҳар бир ишда эътиборли бўлишларини истаб қолар эдик.

**Дилбар МУСТАФОЕВА,**
**ДБҚ матбуот хизмати ходими.**

